

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган


http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 12 июль, № 136 (5556)

Пайшанба

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Ўзбекистон — дунё цивилизациялари кесишган чорраҳада жойлашган мамлакат. Илгари ҳам асосий савдо қарвонлари юртимиз бўйлаб қадимий Буюк Ипак йўлидан ўтган бўлса, эндиликда бу фаолият мамлакатимизнинг мустақам транспорт-коммуникация тизими орқали амалга ошириляпти. Бугун — Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллиги байрами арафасида бунга барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Зеро, ўтган даврда Президентимиз раҳнамолигида ушбу йўналишда изчил ислохотлар олиб борилганлиги, хусусан, тармоқда илгор технологиялар асосида халқаро стандартларга мос транспорт инфраструктурасини яратиш бўйича йирик дастурлар жорий этилаётгани республикамизни дунё ахлига минтақда транзит бозори тобора тараққий этаётган давлат сифатида танитмоқда.



Юрт равнақи, турмуш фаровонлиги

Транспорт-коммуникация тизимидаги ислохотлар айнан шу мақсадга қаратилгандир.

Миллий авиакомпаниямиз парвози

Президентимизнинг 1992 йил 28 январдаги “Ўзбекистон Миллий авиакомпаниясини ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармони билан юртимизда ушбу йўналишда ишончли, хавфсиз, замонавий ва юқори даражада сервис хизматлари кўрсатувчи мустақам тизимга асос қўрилди. Аввало, мамлакатимиз авиаташувлари жараёнида иштирок этувчи барча бўлинмалар бирлаштирилиб, шунга мос равишда аэропортларни реконструкциялаш, авиаташув бозорларини замонавий,

хар жиҳатдан қулай, тежамкор самолётлар ҳисобига янгилаш, уларга хизмат кўрсатувчи сервис шохбчаларини ташкил қилиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ислохотлар изчил давом эттирилди. Буларнинг бари соҳада ривожланиш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилди. Масалан, миллий авиакомпаниямизнинг авиаташув паркларини босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида “Ил-62”, “Ил-86”, “Ту-154”, “Як-40”, “Ан-24” каби эски русумдаги самолётлар ўрнини дунё авиасаноатида етакчи ҳисобланган, хар жиҳатдан қулай лайнерлар

эгалламоқда. Миллий авиакомпаниямиз рамизи туширилган биринчи замонавий “А-310” самолёти 1993 йилнинг июнь ойида парвозини бошлаган бўлса, кейинчалик унинг паркларини “В-767-300”, “В-757-200”, “А-320”, “RJ-85”, ўзимизда ишлаб чиқарилган ва маҳаллий шароитларга мос “Ил-114-100” сингари самолётлар билан бойитилгани, 2010 йилнинг июль ойидан бошлаб эса янги типдаги “А-320” самолёти парвози йўлга қўйилгани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

(Давоми 2-бетда).

Жим АЛБАУ, “Боинг” корпорациясининг бўлим раҳбари:

— Бугунги кун тараққийоти замонавий транспорт-коммуникация тармоғисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мазкур соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 2011 йилнинг асосий йануари ва 2012 йилда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққийоти янги босқичга кўтарилган йил бўлади” маърузасида таъкидланганидек, 2011 йилда банклардаги депозитларга 2010 йилдагига йислдан 36,3 фоиз кўп маблағ жалб қилинган, жумладан, аҳоли депозитлари 38,8 фоизга ошгани эътиборлидир.

Эътироф

Мамлакатимиз тижорат банкларининг инвестициявий фаоллиги ортмоқда. Тижорат банклари кўйилмаларининг 75 фоиздан ортигини уч йилдан зиёд бўлган узок муддатли инвестиция кредитлари ташкил этаётгани бунинг асосий далелидир. Умуман, сўнгги ўн йилда банкларимиз томонидан иқтисодийнинг реал секторини кредитлаш 7 баробар ошганини алоҳида қайд этиш лозим.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази жаҳон аҳолисидаги ижтимоий ҳаётнинг барча жаҳаларида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шу асосда йўналишларни тақияфлар ишлаб чиқиш юзасидан тадқиқотлар олиб бормоқда. Шу жумладан, мамлакатимиз банк тизими фаолияти юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиб бориш ҳам Марказ тадқиқотларида алоҳида ўрин олган.

Қарор ва ижро

Илгари рақобат матбуотда омма эътиборига ҳавола этилган 2011 йил якунлари асосидаги социологик сўров натижалари орқали

(Давоми 4-бетда).

ТАДБИРКОРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК ВА БАНК ТИЗИМИГА ИШОНЧ УЙҒУНЛИГИ

Банк-молия соҳаси ушбу механизмнинг таянч бўлини сифатида бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни вақтда, мамлакатимиз банк тизими молиявий хизмат кўрсатиш соҳасида самарали фаолиятни амалга ошириш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган ривожланиш йўлидан собитқадамлик билан бораётганлигини қайд этиш жоиз.

Сўнгги икки йилдан буён нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” рейтинг даражасига эга бўлиб келаётган Ўзбекистон банк тизими бугунги кунда халқаро мезонларга мос тарзда фаолият олиб бориб, мижозларга замонавий банк хизматларини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 2011 йилнинг асосий йануари ва 2012 йилда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққийоти янги босқичга кўтарилган йил бўлади” маърузасида таъкидланганидек, 2011 йилда банклардаги депозитларга 2010 йилдагига йислдан 36,3 фоиз кўп маблағ жалб қилинган, жумладан, аҳоли депозитлари 38,8 фоизга ошгани эътиборлидир.

Мамлакатимиз тижорат банкларининг инвестициявий фаоллиги ортмоқда. Тижорат банклари кўйилмаларининг 75 фоиздан ортигини уч йилдан зиёд бўлган узок муддатли инвестиция кредитлари ташкил этаётгани бунинг асосий далелидир. Умуман, сўнгги ўн йилда банкларимиз томонидан иқтисодийнинг реал секторини кредитлаш 7 баробар ошганини алоҳида қайд этиш лозим.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази жаҳон аҳолисидаги ижтимоий ҳаётнинг барча жаҳаларида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шу асосда йўналишларни тақияфлар ишлаб чиқиш юзасидан тадқиқотлар олиб бормоқда. Шу жумладан, мамлакатимиз банк тизими фаолияти юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиб бориш ҳам Марказ тадқиқотларида алоҳида ўрин олган.

Илгари рақобат матбуотда омма эътиборига ҳавола этилган 2011 йил якунлари асосидаги социологик сўров натижалари орқали

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Маҳалла институтини ривож

демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат қуриш, уни янгилаш ва модернизация қилиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятда тутган ўрнини оширишга алоҳида эътибор қаратилгани “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини ҳаётга самарали татбиқ этишга замин яратди. Шубҳасиз, буларнинг барчаси юрт равнақи ва эл фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Маълумки, кўплаб асрлар давомида ўзбек халқининг маънавий-ахлоқий урф-одатлари ва қоидалари, жамоатчилик фикри ҳамда ўзига хос дунёқарош маҳаллада шаклланиб келган. Ёш авлод тарбияси, оила юритиш санъати, қўшничилик ҳислатлари мана шу маданият,

одатлар ва анъаналар асосида олиб борилган. Бинобарин, мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юксак даражада қўллаб-қувватланиб, эзгу қадриятларимиз булоғи қайта кўз очди.

Хусусан, Конституциямизнинг 105-моддасида унинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилди ва тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳақда ташкилий пойдевор яратилди. Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган гоё, тақдир ҳамда қонунчилик ташаббуслари эса бу борадаги вазибаларни амалиётга янада самарали жорий этишда аниқ мудоаодир.

(Давоми 2-бетда).

2012 йил — Мустақам оила йили

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида “Соғлом оила — мустақам жамият — барқарор мамлакат” шiori остида оилавий спорт марафони бўлиб ўтди.

Оилавий марафон

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазириликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, БМТнинг Аҳолишунослик (UNFPA) жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу спорт-соғломлаштириш тадбирида Тошкент шаҳридаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи оилалар қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

Янги таълим модели: Изчил ислохотлар ва интеллектуал салоҳият

Биз бугун истиқлолимизнинг 21 йиллик тўйи остонасида турибмиз. Ўтган йиллар давомида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган ислохотлар барча жаҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган яратиш, янатиш фалсафасини бунёд қилгани, қолаверса, одамлар онги ва дунёқарошини тубдан ўзгартирганлиги билан ҳам асрларга татиғуликдир.

Қарор ва ижро

Педагог бўлганим учун, таълим соҳасида қўлга киритилаётган муваффақиятларни бошқалардан кўра теранроқ англайман. Зеро, босқичма-босқич олиб борилаётган ислохотлар, жаҳон узра ном қозонган, тараққийотнинг “ўзбек модели” дея эътироф этилган, ўзимизга хос андоза бугунги кунга келиб ўзининг юксак самарасини бермоқда. Шу боис, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мустақил диёримизда энг улуг вазифа — фарзандларимизга жаҳон талаблари даражасида замонавий таълим-тарбия бериш, янги-янги босқичга кўтариш билан бир қаторда, юқори малакали мутахассислар

лан амалга ошириб боришмоқда. Президентимиз томонидан 2011 йилнинг 20 майида имзоланган “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам тизимда олиб борилаётган ислохотларнинг узвий давоми бўлди. Ушбу ҳужжатда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустақамлаш, модернизациялаш, таълим сифатини янги босқичга кўтариш билан бир қаторда, юқори малакали мутахассислар

тайёрлашга ҳам алоҳида уруғ берилган. Шунингдек, ўқув-лаборатория биналари, спорт иншоотлари, талабалар тураржойларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш каби йўналишлар ҳам қамраб олинган. Дарҳақиқат, ушбу омиллар бир-бирига боғлиқ бўлиб, ўзаро уйғунлик касб этади. Қарордан келиб чиқиб, амалиётга жорий қилинадиган саъй-ҳаракатлар ёшларимизни юқори малакали мутахассислар этиб тарбиялашга қаратилганлиги боис янада аҳамиятлидир.

(Давоми 4-бетда).

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР КЎПАЙМОҚДА

2012 йилнинг иккинчи чорағида пойтахтимизда “Elektr quvvat qurilmalari” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ишга туширилиши билан қўшимча равишда йилга 0,4 кВ кучланишга эга

100 минг дона трансформатор ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлди.

Янги корхонада маҳсулотлар турини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириш мақсадида яқин келажақда 35 кВ кучланишгача бўлган трансформаторлар тайёрлашни ўзлаштириш, ушбу жараёнда 30 фоизгача маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш кўзда тутилмоқдаки, бу истиқболда ички эҳтиёжни юқори сифатли ва арзон трансформаторлар билан таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ёнғин бартараф этилди

АҚШнинг Колорадо штатида юз берган ўрмон ёнғинлари бартараф қилинди.

Уч ҳафта олдин бошланган табиий офат оқибатида 75 квадрат километр майдон жиддий зарарланган. 350 та тураржой биноси ёниб кетган. Фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 32 минг нафар одам кўчирилган.

Манбада қайд этилишича, Колорадо тарихида шу пайтгача бундай талафотларга сабаб бўлган ўрмон ёнғинлари кузатилмаган экан. Ҳозир унинг келиб чиқиш омилларини ўрганиш юзасидан текширишлар олиб борилмоқда.

Антиқа савдо

Япониянинг "Митсубиши Мотор" автомобилсозлик корпорацияси Голландиядаги бўлимини сотиш юзасидан ўзаро келишувга эришди.

Уни харид қилиш учун маҳаллий "Ви-Ди-Эл Групп Б.В" компанияси бир евро тўлайди. Албатта, бу шунчаки рамзий маънода белгиланиб, амалга ошириладиган тўлов, холос. Олди-сотди ҳужжатида корхонада меҳнат қилаётган 1,5 минг ишчи-ходимни ўз вазифасида сақлаб қолиш масаласи асосий шарт сифатида кўрсатилган.

нинг бундай йўл тутиши унинг бозори ривожланиб бораётган давлатлардаги фаолиятини янада жонлантириш режаси билан боғлиқ. Масалан, жорий йил бошида корпорация Индонезия ҳамда Таиландда янги линияларини ишга туширган эди. Эндиликда мутасаддилар Хитой ва Бразилияда ишлаб чиқариш ҳажминини оширишни ҳам кўзлашмоқда.

Кўмак ажратишга қарор қилди

Европа Иттифоқи иқтисодиёт ва молия вазирлари Брюссель шаҳрида Испанияга молиявий кўмак бериш масаласини муҳокама қилиш учун учрашди.

Унда инқироздан катта талафот кўрган мазкур давлат банклари фаолиятини жонлантириш учун 30 миллиард евро миқдорида маблағ ажратилган қарор қилинган. Бу сармоя июль ойи охиригача ўтказиб берилиши режалаштирилмоқда. Ўз навбатида, расмий Мадридга бюджет тақчиллигини 3 фоизга камайтириш вазифаси қўйилган.

Шунингдек, учрашувда ЕИ молия муассасаларини инқироздан ҳимоялаш масаласи ва Кипрнинг ташкилотга иқтисодий кўмак сўраб қилган мурожаати ҳам қўриб чиқилди.

Қуввати саксон кунга етади

"Philips" компанияси "Philips Xenium X130" русумидаги янги мобил телефонини оммага намойиш қилди.



байнида ўчиб қолмайди. Янги махсулотнинг яна бир қулайлиги иккита "SIM" карта билан ишлашидир. Бундан ташқари, "Philips Xenium X130"да камера, радио, "Bluetooth" каби қўшимча имкониятлар ҳам мавжуд.

Этиборлиси, у бир марта қувват олдирилса, 16 кун гаплашиш мумкин. Агар суҳбатлашишга зарурат туғилмаса, телефон 80 кун мо-

Компания мутасаддилари бу алоқа воситаларини яқин кунлар ичида Европа мамлакатларида сотувга чиқаришни режалаштирилмоқда.

Ташкилот тахмини

2013 йилнинг охирига қадар Европанинг ривожланган мамлакатларида ишсизлик даражаси юқори суръатларда сақланиб қолади.

Бу ҳақда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти маълум қилди. Яъни 2012 йилнинг охиригача Еврохудудда ишсизлик даражаси 10,8, кейинги йилда 11 фоизга етиши кутилмоқда. Шу боис ташкилот Европа мамлакатлари ҳукуматларига ушбу масалага жиддий эътибор қаратиб, меҳнат бозоридида янги ишлётлар ўтказишлари лозимлигини бидирган.

Таъминот муаммоси ва танқислик

Ирландияда юз берган сув тошқини туфайли мамлакатдаги юзлаб дўконларда "Coca-Cola" компанияси махсулотлари танқислиги юзага келган.



ли-шарқидида Антрим графлигида жойлашган салқин ичимлик ишлаб чиқариш корхонасининг электр таъминотидан узилиб қолгани сабаб бўлган.

"Би-Би-Си Нюс" хабарига кўра, сув тошқини кучли ёмғир туфайли келиб чиққан.

Бунга табиий офат туфайли мамлакат шимо-

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Реклама ва эълонлар

SUVMASH ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
НАСОСЛАР тайёрлайди ва таъмирлайди
"ЭЦВ" РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛЛАНГАН
"Д" РУСУМЛИ ЁТИҚ
"К" РУСУМЛИ ТАГЛИККА ЎРНАТИЛГАН
"НК" НЕФТЬ НАСОСЛАРИ
НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ
шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.

Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Хусайн Бойқаро кўчаси, 13.
Тел.: (+99871) 295-13-00, 295-06-35, 295-06-37, 295-19-08. Факс: (+99871) 295-51-08.
E-mail: office@suv mash.uz; suvmash@mail.ru sales@suv mash.uz www.suv mash.uz

ЗАВОД ТТЕМЗ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:
АВТОКРАНЫ
для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах
КК-3577 на базе шасси МАЗ
КК-4574-1 на базе шасси КАМАЗ
КК-55724 на базе шасси КАМАЗ

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А
предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ И АВТОВЫШКИ
на шасси: ISUZU, КАМАЗ, МАЗ и др.
МОДЕЛЬ ВЫСОТА ПОДЪЕМА ЛЬЮЛКИ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬ
KRANTAS - 335 15 м 3,2 т
KRANTAS - 736 21,5 м 6 т

АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВО-ЗАПРАВЩИКИ
Объемом 8 м³ и 12 м³ на шасси MAN, КАМАЗ, МАЗ.
Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

HYUNDAI ELANTRA
DONGNAM UZ MOTORS
Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99.
www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru

«КО'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Қашқадарё виллояти филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!
I. Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:
1. Қашқадарё виллояти ҳўжалик судининг 2012 йил 2 майдаги 18-1205/8057-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши шаҳри, Махтумқули маҳалласида жойлашган, «Қарши Медикал Фарм» МЧЖга қарашли, қурилиш майдони 470,61 кв.м.дан иборат бўлган савдо дўкони (2 қаватли савдо дўконининг 2-қавати).
Бошланғич баҳоси – 70 000 000 сўм.
Аукцион савдоси 2012 йил 15 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.
Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати – 2012 йил 13 август куни соат 18.00.
II. Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такрон қўйилмоқда:
1. ФИБ Қарши туманлараро судининг 2011 йил 9 сентябрдаги 1-8858/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши — Бешкент йўли 3 км.да жойлашган, «Туркистон Файзли Оромгоҳи» МЧЖга тегишли, 2 қаватли, умумий фойдаланиш майдони 294,38 кв.м., қурилиш майдони 265,53 кв.м. бўлган, 16 хонадан иборат (қоровулхона, ховли девор, темир дарвоза, темир эшик, темир-бетонли панелли девор) ошхона биноси.
Бошланғич баҳоси – 125 000 000 сўм.
2. Қашқадарё виллояти ҳўжалик судининг 2012 йил 14 мартдаги 18-1206/2114-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши — Бешкент шоққўчаси, 3 км.да жойлашган, Қарши шаҳар «11-маҳсул механизациялашган кўча колоннаси» МЧЖга қарашли бир қаватли, умумий ер майдони 6877,80 кв.м., қурилиш майдони 1300,86 кв.м.дан иборат бўлган маъмурий бино, омборхона ва ёрдамчи бинолар.
Бошланғич баҳоси – 175 535 000 сўм.
Аукцион савдоси 2012 йил 30 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.
Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати – 2012 йил 27 июль куни соат 18.00 да тўхтатилади.
Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё виллояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МҒФ: 00190, СТИР: 207122519.
Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Қарши ш., М. Абдуллаева к., 20-уй. Тел.: (8-375) 225-44-58.
Расмий сайтими: www.lkms.uz
Лицензия: RR-0001

Сара уруғ — юқори ҳосил гарови
Испаниянинг FITO SEMILLAS компаниясининг
Ўзбекистондаги вакили
ўз омборидан такрорий экин учун маккажўхори ва чим уруғларини таклиф қилади.
Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган.
Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99897) 728-57-80.
Факс: (+99871) 257-58-61.

СОТАМИЗ:
• ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ* 15 кВтдан 2000 кВтгача
• БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР 100 кВтдан 5000 кВтгача
• НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*: турли хил ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва қаллаги, технологик реакторлар.
• ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.
Буюртма бўйича. * Махсулот сертификатланган.
Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.
Моб. тел.: (+99870) 713-96-80, (+99870) 713-70-10, (+99897) 711-58-65, (+99870) 346-92-25.
e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com

«КО'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Фарғона виллояти филиали
қуйидаги қўйилган маълум қилади!
Сўх тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб, «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 30 июндаги 128 (5548)-сониде берилган хабарнома билан «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона виллояти филиали аукцион савдосига чиқарилган, Сўх тумани, «Охунбобоев» ҚФЙ, «Тул» МФИда жойлашган уруғ тозалаш пункти бино-иншоотларининг аукцион савдоси вақтинча тўхтатилади.
Асос: Суд департаменти Фарғона виллояти худудий бошқармасининг 2012 йил 4 июлдаги 3784/2-сонли хати.
Манзил: Фарғона ш., Бурхониддин Марғиний к., 35-уй.
Тел.: (8-373) 224-68-70. Расмий сайтими: www.lkms.uz
Лицензия RR-0001

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Жанубий Осие тиллари кафедраси доценти Муҳайе Абдурахмонова волидаи муҳтарамаси
МАРҲАМАТ аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия ихдор этади.
"Kafolat" davlat aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi (OAJ) жамоаси менежер Ниҳола Податовага волидаи муҳтарамаси
Марям ҲАМИДОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия ихдор этади.

Санъат гўзалликка чорлайди



Навоий вилоятининг Навбахор тумани маркази кейинги йилларда буткул янгича қиёфа касб этиб бормоқда. Бу ердаги равон кўчалар, мухташам бинолар, гулу чаманга бурканган боғу ҳибёнлар кишининг баҳридлини очади.

Янги қурилган 11-болалар муסיқа ва санъат мактаби ҳам бунёдкорлик йўлидаги эзгу савъ-ҳаракатлар маҳсулидир.

Интилиш

Хозир — эғзи таътил бўлишига қарамай, мактабдаги тўғарақлар фаолияти узлуksиз давом этмоқда. Кимдир куй чалган, кимдир кўшиқ айтган, яна биров расм чизган... Санъатга ошно тугинган бу ёшларнинг иқтидори, интилиши кишида ҳавас уйғотади. Уларга боқиб, ёруғ келажакка умид ва ишончингиз янада ортганини ҳис қиласиз. Ажаб эмаски, бугун бебаҳо мусиқий меросимиз ҳамда жаҳон мумтоз санъати намуналаридан баҳраманд бўлиб улғаяётган шу ўғил-қизлар келажакда юрт доврўғини дунёга таратишга қодир ноёб истеъдод ва соҳир овоз соҳибга бўлиб етишсалар...

Президентимизнинг «Юксак маънавий — энгилмас куч» номи асарига таъкидланганидек, агар инсоннинг қўлоғи энгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрга-

ниб қолса, бора-бора унинг баддий диди, муסיқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламни сохта тўшунлариз эғлаб олиши ҳеч гап эмас. Охир-оқибатда бундай одам «Шашмақом» сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асарларини ҳам қабул қилиши қийин бўлади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун санъаткорлар орасида соғлом ижодий муҳит ташкил қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон муסיқа маданиятининг мумтоз асарлари билан бирга, уларнинг кайфияти ва интилишларига мос келадиган замонавий эстрада

санъати намуналаридан баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, мусиқий таълимни янада ривожлантириш масалалари ўта муҳим аҳамият касб этади.

Бугун мактабда ҳаёт ҳақиқати акс этган ана шу фикр-мулоҳазаларга таяниб, иш олиб борилмоқда. Бинобарин, илгор педагогик услублар асосида ташкил қилинадиган дарс машғулоти, ўқувчиларнинг одоб-ахлоқи, маънавий тарбияси, дид ва дунёқараши ана шундан далолат бериб турибди.

— Мактабимиздаги дарслар ниҳоятда қизиқарли, машғулотлар эса кишига илҳом бағишлайди, — дея фикр билдиради ёш фортепьяночи Равшан Сатторов. — Биз қадрдон масканимизда санъат сирларини пухта ўрганиб,

халқаро муסיқа фестивалларида иштирок этиш ва муваффақиятларга эришиш учун интилаёмиз. Ўзимнинг ҳам ниҳоят — келажакда она-юртим номини жаҳонга танитадиган маҳоратли санъаткор бўлиб етишим.

Эътироф этиш жоизки, мазкур муסיқа ва санъат мактабида камол топаётган ёшлар орасида республика ҳамда жаҳон миқёсидаги турли қўрик-танловларда қатнашиб, голиб бўлган ўқувчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу, албатта, таълимга янги ёндашув самараси, ёшларнинг маънавий олами, тафаккур ва салоҳиятини бойитишга қаратилган амалий савъ-ҳаракатлар натижасидир.

Азамат ЗАРИПОВ, Шомурот ШАРАПОВ (суратлар), «Халқ сўзи» муҳбирлари.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 23 ИЮНДАН 6 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

(Давоми. Бошланиши олдинги сонда).

6. «Аҳоли пунктларини бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудлар таркибига киритиш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 18 июндаги 47, 66, 2012-18-сонли қарори.

2012 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1868-1 (2012 йил 13 июндан қўчга қиради).

7. «Меҳнат органларида фуқароларнинг рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини таъинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2012 йил 4 июндаги 27-Б-сонли буйруғи.

2012 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 831-2 (2012 йил 13 июндан қўчга қиради).

8. «Назорат қилувчи органлар томонидан акка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишлари ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги низомага қўшимча киритиш ҳақида» Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2012 йил 25 июндаги 02-сонли қарори.

2012 йил 6 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1712-4 (2012 йил 16 июндан қўчга қиради).

9. «Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятини ўтказиладиган текширишлари мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2012 йил 25 июндаги 01-сонли қарори.

2012 йил 6 июлда рўйхатдан

ўтказилди, рўйхат рақами 1573-5 (2012 йил 16 июндан қўчга қиради).

II. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясини метеорологик таъминоти бўйича йўриқномага (ФА МТБЙ-2008) ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида қарор. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази ва Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясини томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, қўчга киритилиши мумкин.

Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу муҳим ҳужжат асосида Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида ҳам бир қатор ўзгаришлар амал-

лик мувозанатни бузаётганлигини, бепоён ҳудудларда аҳолининг генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатаётганлигини назарда тутиш лозим".

Юртбошимизнинг куч-қудратини кўрсатишда «Ёш олимлар илмий маркази»ни ташкил этиш кўзда тутилган. Шунингдек, республика ва хорижий давлатларнинг нуфузли илмий тадқиқот институтлари

Янги таълим модели: Изчил ислоҳотлар ва интеллектуал салоҳият

га оширилди. Жумладан, илм даргоҳимизда Оролбўйи биопотенциалини экофизиологик жиҳатдан ўрганиш илмий тадқиқот лабораторияси ташкил қилиниб, унга алоҳида бино ажратилди. Олий таълим муассасаси, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида инновацион корпоратив ҳамкорлики йўлга қўйиш борасида 50 та инновацион гуруҳлар фаолият кўрсата бошлади.

Биласиз, Оролбўйи минтақасида ноқулай табиий муҳит барқарорлигининг кескин ортиши энг долзарб экологик муаммоларимиздан бири ҳисобланади. Юзага келган экстремал вазият инсон саломатлигига ва ҳайвонот наботот оламига жиддий хавф туғдирмоқда. Ушбу ҳолат ҳақида Президентимиз «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарққиёт кафолатлари» китобида шундай деган эдилар: «Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан биридир. Денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 35 миллион киши унинг таъсирида қолди. Биз 20-25 йил мобайнида жаҳондаги энг йирик ёпиқ сув ҳавзаларидан бирининг йўқолиб боришига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бирок бир авлоднинг кўз ўнгида бутун бир денгиз ҳалок бўлган ҳол ҳали рўй берган эмас эди. ...Орол муаммоси бугунги кунда чинакам кенг қўламли, бутун сайёрамизга дахлдор муаммо бўлиб қолганлигини, унинг таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ биоло-

юнчалик билан билдирган ушбу мулоҳазалар ҳар биримизни сергакликка чорлайди. Бинобарин, бугун Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети олимлари, профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлар бу муаммоларнинг ечимини топишда изланмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, атраф-муҳитни ўрганишда тирик организмнинг турли системаларга таъсирини тадқиқ қилишга йўналтирилган изланишлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқотларнинг самараси минтақада атраф-муҳитнинг энг ноқулай омилларини аниқлаш имконини беради. Ана шу мақсадда янги ташкил этилган лабораторияда бир қанча йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Келгусида лаборато-

билан шартномалар тузилмоқда. Тадқиқот ишларида самарадорликка эришиш ниятида Германия, Англия, Польша, Япония, Жанубий Корея, АҚШ каби мамлакатларда ишлаб чиқарилган 43 номидаги янги асбоб-ускуналарни келтириш мўлжалланапти.

Ўзбекистон Республикасидаги барча олий таълим муассасалари қаторида бизнинг университетимиз ҳам Марказий Осиёда ягона тармоқ — «Оптик толаи электрон таълим тармоғи»га уланган. У орқали савол-жавоб қилиш, таълим, фан оламидagi янгиликлардан бохабар бўлиш, илмий конференциялар, очик дарслар, тажриба алмашиш ишларини самарали ҳамда юқори савияда амалга ошириш имкониятига эгамиз.

Мухтасар айтганда, бугун мамлакатимиз таълим-тарбия тизимининг бош ислоҳотчиси, ташаббускори бўлган муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тарққиётнинг илгор ютуқларини ўзлаштирмоқда. Бу эса ўз ўрнида фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб улғайишларига хизмат қилмоқда. Зотан, давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асирида маънавий-маърифий ислоҳотлар самараси хусусида ёрқин ва асосли фикрлар билдирилган экан, жумладан, шундай дейилади: «Катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъдод ва салоҳиятини ёрқин намойен этаётган ёш кадрларимиз мисолида ана шундай орзу-интилишларимиз гувоҳининг ўзида ўз ҳосилини бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Энг муҳими шундаки, «портлаш эффекти»нинг ҳақиқий моҳияти ва аҳамияти вақт ўтиши билан, биз тарбия қилаётган соғлом ва барқамол авлоднинг сафимизга тобора илдам кириб бориши билан янада яққолроқ сезилади».

Марат ТАҒАЕВ, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг илмий ишлар бўйича проректори.

«Воҳа ва мовий ранг»

Тошкент Фотосуратлар уйида Жанубий корейлик мусаввир Юн Кенг Анинг «Воҳа ва мовий ранг» мавзусидаги кўргазмаси очилди.

Кўргазма

Унинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нуриддинов ва бошқалар истиклол йилларида барча жабҳаларда бўлгани каби маданий-маърифий соҳаларда ҳам халқаро ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Ушбу кўргазма ҳам ана шу ижодий ҳамкорлик самарасидир.

Кўргазмада ижодкор томонидан ишланган таъсирли санъат асарлари ҳамда заргарлик буюмлари намойиш этилмоқда.

Суннат АСТАНОВ.

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?

Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?

Унда шошилиб таваккал қилманг.

Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефонларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкнинг оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

Унутманг!

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.

Лицензия: RR-0001.

Мурожаат қилинг ва барака топинг!

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ЎЗБЕКИСТОН КУВУРЛАР

Ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

КАРБИД Козоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

ОБ-ҲАВО	Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида	Бухоро ва Навоий вилоятларида	Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида	Анджон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида	Тошкент шаҳрида
(12 июль)	+19 +24 +34 +39	+19 +24 +34 +39	+19 +24 +33 +38	+19 +24 +35 +40	+19 +24 +33 +35	+19 +21 +33 +35

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 64 096 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оринов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ю. Буринов.
Мусоҳах — Ҳ. Тощўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.40. Топширилди — 23.50. 1 2 3 4 5